

**Истеъмол
бозори**

2017 йилнинг январь-июнида товар айланмаси 3076,1 млрд сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 12,7 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-июнь млн.сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида | Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|---|------------------------------------|---|-------------------------------------|
| Жами | 3076093,0 | 112,7 | 100,0 |
| шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича: | | | |
| давлат мулки | 904,0 | 129,4 | - |
| нодавлат мулки | 3075189,0 | 112,7 | 100,0 |
| ундан фуқароларнинг хусусий мулки | 2515112,7 | 113,8 | 81,8 |

Расмий сектордаги уюшган савдо корхоналарининг савдо айланмаси ҳажми жорий йилда 830,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2016 йил январь-июнга нисбатан 108,2 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 2245,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2016 йилнинг январь-июнга нисбатан 14,5 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 73,0 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилда савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

| | 2017 йил январь-июнь млн. сўм | 2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида | Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида |
|--------------------------|-------------------------------------|---|-------------------------------------|
| Товар айланмаси | 3076093,0 | 112,7 | 100,0 |
| шу жумладан: | | | |
| уюшган савдо корхоналари | 830544,4 | 108,2 | 27,0 |
| уюлмаган савдо | 2245548,6 | 114,5 | 73,0 |

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 104,6 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнга нисбатан 111,5 фоизни ташкил қилди.